

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МУРОДОВА ДИЛНОЗА ЧОРИЕВНА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИ
МИКРОМОЛИЯЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07-«Молия, пул муомаласи ва кредит»

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРЛИК (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt289 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бурханов Ақтам Усманович
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Қўзиева Наргиза Рамазоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хошимов Элмурод Абдусатторович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятини молиялаштириш тизимини ривожлантириш улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Мазкур молиялаштириш тизимида микромолиялаш тизими қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг микрокредит, микролизинг хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, халқаро молия институтлари ва тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитлар ва микрокредитлар ҳажми 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 14,1 фоизга ошди. Аммо, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сезиларли қисмида пул оқимининг заифлиги, уларнинг рақобат курашидаги мавқеининг заифлиги, фаолиятини техник ва технологик янгилаш имкониятининг чекланганлиги уларни микромолиялаш соҳасидаги долзарб муаммолардан бўлиб турибди.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасаси ҳисобланган Жаҳон банки томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашни кенгайтириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасида жаҳон иқтисодиётида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микромолиявий хизматлар кўрсатишда уларни селектив кредитлашга, фаолиятини энди бошлаётган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги майда ишлаб чиқарувчиларига имтиёзли микрокредитлар беришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда миллий иқтисодиётга жорий этишнинг афзалликларини белгилаб беради. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибаси ва илмий ютуқларини тадқиқ этиш асосида берилган кредитларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бонификация қилиш, давлат томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига солиқ имтиёзлари бериш улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг кенг қўлланилаётган шаклларида мақсадли ва самарали фойдаланиш учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш ... аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини моддий ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж юзага келади. Ушбу эҳтиёжлар ҳозирда асосан банк кредитлари ҳисобига қопланиб келинмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тармоққа етказиб беришда моддий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси”да ПФ-4947-сонли Фармони.

техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархи ўсиши ўртасидаги диспаратетнинг юзага келишини олдини олиш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилиги даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш жараёнини давлат томонидан молиявий кўллаб-қувватланиш заруратини келтириб чиқариб ва бу борада амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги, фармони, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш методологиясини такомиллаштириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар – О.Ястребова, А.Субботин, Н.Фигуровская, Д. Макнотон, И.Петренко, П.Чужинов, К.Пиплз ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган².

Бу борадаги айрим масалалар республикамиз иқтисодчи олимларидан А.Боймуратов, Д.Таджибаева, Ж.Исаков, И.Рахманов, Л.Зойиров, С.Исмайлова, Қ.Тошматов ва бошқаларнинг илмий ишларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микрокредитлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган³. Бироқ, таъкидлаш лозимки, иқтисодчи олимлар

² Ястребова О., Субботин А. Рынок сельскохозяйственного кредита // Вопросы экономики. –Москва, 2005. –№6.25 с; Фигуровская Н. Современное состояние сельского хозяйства требует результативных действий государства // Экономист.- Москва, 2009.–№8.–43с.;Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. и.ф.д. фалсафа докт. Дисс. автореф. –Тошкент, 2018.–30-б.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. В 2-х т. - Вашингтон: ИЭР Всемирного банка, 1994.–323 с; Петренко И.Я., Чужинов П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. –Алма-Ата: Кайнар, 1992. –434-437с.; Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России // Вопросы экономики. –Москва, 1997. - №8. –156с.

³ Боймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф.–Тошкент, 2008. –13-б.; Таджибаева, Д.А, Муминов. И.О. Микрофинансирование: руководство для микрофинансовых организаций // Тошкент-Молия, 2009. – 203с.; Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф.–Тошкент, 2016.–19-20-б.; Рахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. –16-б.; Зойиров Л.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. –14-б.; Исмайлова С.С. Ўзбекистон Агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф.– Тошкент, 2009.

томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш масаласи мамлакатимизда алоҳида илмий тадқиқот иши сифатида бажарилмаганлиги ҳам тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини оширади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодий-модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштиришга оид таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашни такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш;

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Акциядорлик-тижорат “Агробанк” олинган.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш жараёнида юзага келувчи молиявий муносабатлар илмий ишнинг предметиدير.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, монографик кузатув, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

тижорат банкларининг захира капитали ва тақсимланмаган фойдасининг маълум қисмини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микрокредитлар беришга йўналтириш орқали мазкур субъектларга бериладиган микрокредитлар фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

тижорат банклари томонидан суғурта компанияларининг ликвидлилигини баҳолаш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига суғурта полиси асосида бериладиган микрокредитлар миқдорини кўпайтириш таклиф қилинган;

–15-б.; Тошмагов Қ.Ф. Фермер хўжалиklarини кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф..– Тошкент, 2010. –14-б.

тижорат банкларининг ресурс базасини жамғарма депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш йўли билан мустаҳкамлаш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига бериладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

тижорат банклари томонидан барқарор пул оқимига эга бўлган ва тўловга қобиллик кўрсаткичлари юқори бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини алоҳида гуруҳга йўналтирилган ҳолда, уларни гаровсиз микрокредитлашни йўлга қўйиш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига бериладиган паст фоизли микрокредитлар ҳажмини ошириш мақсадида, банкларнинг устав капиталида давлатнинг улушини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ишлаб чиқилган.

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига паст ва барқарор фоиз ставкаларида бериладиган микрокредит ва микролизингни ҳажмини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш шарти билан, “Агробанк” АТБнинг устав капиталига қўйиш таклифи ишлаб чиқилган.

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигига берилган микрокредитларга таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили натижалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик маълумотларига, шунингдек, “Агробанк” АТБ ҳамда “Микрокредитбанк” АТБ амалий маълумотларнинг таҳлиллари натижаларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан келгусида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш механизмини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш тизимини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларининг захира капитали ва тақсимланмаган фойдасининг маълум қисмини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микрокредитлар беришга йўналтириш орқали мазкур субъектларга бериладиган микрокредитлар фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича берилган таклифлари “Агробанк” АТБ томонидан амалиётга жорий этилган. (“Агробанк” АТБнинг 2018 йил 30 майдаги 23-2-18/780-сон

маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этиш орқали “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига 2017 йилда ажратилган микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасини ўзгармасдан, 12% даражасида бўлиши таъминланган;

тижорат банклари томонидан суғурта компанияларининг ликвидлигини баҳолаш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига суғурта полиси асосида бериладиган микрокредитлар миқдорини кўпайтириш таклифлари “Агробанк” АТБ томонидан амалиётга жорий этилган. (“Агробанк” АТБнинг 2018 йил 30 майдаги 23-2-18/780-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этиш орқали “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига суғурта полиси асосида берилган микрокредитлар миқдори 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 17,8 млн. сўмга кўпайишига хизмат қилган;

тижорат банкларининг ресурс базасини жамғарма депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш йўли билан мустаҳкамлаш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига бериладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш бўйича берилган таклифлари “Агробанк” АТБ томонидан амалиётга жорий қилинган. (“Агробанк” АТБнинг 2018 йил 30 майдаги 23-2-18/780-сон маълумотномаси). Бу таклифнинг амалиётга қўлланилиши натижасида жамғарма депозитларнинг “Агробанк” АТБ жами депозитларининг ҳажмидаги салмоғини 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 14,6 фоизга оширилиши мазкур даврда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитлар ҳажмини 5,0 баробарга ошишига эришилган;

тижорат банклари томонидан барқарор пул оқимида эга бўлган ва тўловга қобиллик кўрсаткичлари юқори бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини алоҳида гуруҳга йўналтирилган ҳолда, уларни гаровсиз микрокредитлашни йўлга қўйиш тизимини такомиллаштириш таклифлари “Агробанк” АТБ томонидан амалиётга жорий қилинган. (“Агробанк” АТБнинг 2018 йил 30 майдаги 23-2-18/780-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашга бўлган талабларини қондириш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 10 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг назарий асослари ва хориж тажрибаси»** деб номланиб, кичик бизнес субъектларини банклар томонидан кредитлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар тадқиқ этилган ҳамда мавзу бўйича илғор хориж тажрибаси ўрганилган ва умумлаштирилган.

Иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалигини микромолиялаш амалиётини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолати барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражаси паст эканлиги уларнинг кредит муассасаларининг молиявий хизматлари, шу жумладан, микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш жараёни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, бунда асосий эътибор давлат бюджетидан ресурслар ажратиш ва бонификацияга қаратилиши керак; учинчидан, ижара ҳуқуқи ва бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан фермер хўжаликларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар бериш улар фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди; тўртинчидан, банклар томонидан фермер хўжаликларига бериладиган узоқ муддатли инвестицион кредитларни бериш жараёни, уларнинг фоиз ставкалари давлат томонидан тартибга солиб турилиши зарур⁴.

Шунингдек, диссертация тадқиқотининг ушбу бобида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилувчи микромолиявий хизматларни кам суммада эканлиги;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари пул оқимининг барқарор эмаслиги, рентабеллик даражасининг паст эканлиги ва юқори ликвидли гаров

⁴ Ястребова О., Субботин А. Рынок сельскохозяйственного кредита // Вопросы экономики. – Москва, 2005. – №6. –25 с.; Фигуровская Н. Современное состояние сельского хозяйства требует результативных действий государства // Экономист. – Москва, 2009. – №8. –43 с.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. В 2-х т. - Вашингтон: ИЭР Всемирного банка, 1994. – 323 с.; Петренко И.Я., Чужинин П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. – Алма-Ата: Кайнар, 1992. –434-437 с.; Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России // Вопросы экономики. – Москва, 1997. - №8. –156 с.

объектларининг етишмаслиги муаммоларининг уларни микромолиявий хизматлардан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилиши;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микромолиявий хизматлар кўрсатишда алоҳида банкларнинг роли ошиши;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида селектив кредитлашнинг қўлланилиши.

Илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари кўрсатдики, АҚШда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микромолиявий хизматлардан микрокредитлар, лизинг, сотишни молиялаштириш каби турлари қўлланилмоқда⁵. Шуниси аҳамиятлики, қишлоқ хўжалигига молиявий хизмат кўрсатувчи банклар томонидан чиқарилган узоқ муддатли облигациялар АҚШ Федерал захира тизими томонидан юқори ликвидли актив сифатида тан олинган. Бунинг натижасида ушбу облигацияларнинг тижорат банклари учун инвестицион жозибадорлиги ошди.

Германия ва Францияда тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитларнинг фоиз ставкаси билан кредитларнинг фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан бонификация қилинади, яъни субсидияланади. Бунда субсидия суммаси тўғридан-тўғри тижорат банкига ташлаб берилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига банклар томонидан берилган кредитларнинг фоиз ставкасини давлат маблағлари ҳисобидан бонификация қилиш амалиёти қуйидаги афзалликларга эга:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг тижорат банклари кредитларини қайтариш билан боғлиқ харажатлар миқдори камаяди;

тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёнидаги кредит риси даражаси пасаяди.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларига банклар томонидан берилган кредитларни бонификация қилиш амалиёти мавжуд эмас.

Тараққий этган давлатларда давлатнинг харид нархлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш микромолиявий хизматлар ҳажмини оширишда муҳим ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, давлатнинг харид нархларидан фойдаланиш фермер хўжаликларининг пул оқими барқарорлигини таъминлаш, унинг фойдасини конъюнктура ўзгаришларига боғлиқ бўлиб қолишининг олдини олиш имконини беради.

Иккинчидан, Европа Иттифоқида экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш механизми яратилган. Ушбу механизм қуйидагича амал қилади: агар маълум бир маҳсулотнинг баҳоси жаҳон бозорининг баҳосидан юқори бўлса, у ҳолда уни импорт

⁵ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг . Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицер, 2017. – 592-593 с.

қилишда компенсацион йиғим олинади. Мазкур компенсацион йиғим ушбу маҳсулотнинг баҳосини Европа Иттифоқи ҳудудида мазкур маҳсулот учун белгиланган минимал баҳо даражасига кўтаради. Агар жаҳон бозорининг баҳоси ички баҳолардан юқори бўлса, у ҳолда, импортга нисбатан субсидия жорий этилади. Ушбу механизм орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб тўртдан бир қисмининг рақобатбардошлиги таъминланади⁶.

“Грамминбанк”нинг кредитлари имтиёзли ставкалар ва бозор ставкаларида берилади. Шуниси характерлики, микрокредитларнинг 60 фоиздан ортиқ қисми имтиёзли ставкаларда берилади.

Имтиёзли кредитлар энди фаолиятини бошлаётган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги майда ишлаб чиқарувчилари фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

2012-2017 йилларда “Грамминбанк” томонидан берилган микрокредитларнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитлар салмоғининг ошиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, биринчидан, Бангладешнинг аграр мамлакат эканлиги билан изоҳланса, иккинчидан, қишлоқ хўжалигини кредитлаш “Грамминбанк” кредитлаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлиги билан изоҳланади.

Ушбу жадвал маълумотлари орқали “Грамминбанк”нинг қишлоқ хўжалигини микрокредитлаш амалиётини таҳлил қиламиз ва тегишли хулосаларни шакллантирамиз.

1-жадвал

“Грамминбанк” томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитларнинг суммаси ва ўртача йиллик фоиз ставкалари⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар						2017 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	
Микрокредитлар, млн. БДТ	25 934	28 755	35 425	42 038	51 000	72083	2,8 марта
Микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	9,7	3,3	8,9	7,8	7,1	10,8	1,1 ф.п.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2012-2017 йилларда “Грамминбанк” томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитлар миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бундан ташқари, 2017 йилда мазкур микрокредитлар суммаси 2012 йилга нисбатан 2,8 мартага ошган. Бу эса, “Грамминбанк” кредитлаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан далолат беради ва қишлоқ

⁶ Экономика Европейского Союза. Под ред. Р.К.Щенина. – М.: КноРус, 2012. – 62 с.


⁷ Жадвал Grameen Bank. Annual Reports маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. 2012-2016 йилларда “Грамфинбанк” томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси пасайиши кузатилган. Бу эса, мазкур соҳага ажратилган микрокредитлар миқдорининг ошишида муҳим роль ўйнаган. Аммо 2017 йилда ушбу фоиз ставкаси 2016 йилга нисбатан ошган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари паст ва барқарор бўлиши жуда муҳим ҳисобланади. Аммо тижорат банклари ҳар доим ҳам паст ва барқарор ставкаларда кредитлар бериш имкониятига эга бўлмайди. Чунки инфляция даражасининг ўзгариши, ресурсларнинг қимматлашиши арзон кредитлар бериш имконини камайтиради.

Европа ҳудудидаги давлатларда тадқиқотлар олиб борилганда, уларда қишлоқ хўжалиги ерларида ипотека механизмидан фойдаланиб, капитал қўйилмаларни бошқаришнинг ўзига хос усуллари мавжудлигини кузатиш мумкин.

Диссертация ишининг иккинчи боби «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг замонавий ҳолати» деб номланиб, мазкур амалиётнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ва мавжуд тенденциялар аниқланган.




1-расм. “Агробанк” АТБнинг аграр соҳага берилган кредитлар⁸, млрд.сўм

1-расм маълумотларидан кўринадикки, “Агробанк” АТБ томонидан аграр соҳага берилган кредитлари миқдори таҳлил қилинган давр мобайнида беқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур кредитлар миқдорининг кескин ошиши 2015 йилда кузатилган. Бу эса 2015 йилда юқори унумли “Магнум” ва “МХ” русумли ҳайдов тракторлари (42 046 млн. сўм) ва “Доминатор-130” комбайнларини сотиб олишга (18084 млн. сўм) катта миқдорда кредит йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

⁸ Расм муаллиф томонидан www.agrobank.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

Қуйида “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар тўғрисида фикр юритилади (2-расм).



2-расм. “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитлар микдори⁹, млн. сўм

2-расм маълумотларидан кўринадики, “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар микдори 2014-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса “Агробанк” АТБ томонидан мазкур соҳада фаолият юритаётган субъектларни микрокредитлашга эътибор кучаяётганлиги ва имтиёзли микрокредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати давом эттирилаётганлигидан далолат беради.

“Агробанк” АТБда арзон ресурслар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, унинг имтиёзли микрокредитлар бериш имконияти чекланган. Бундан ташқари, банкнинг имтиёзли микрокредитлар бериш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мавжуд эмас.

2-жадвал маълумотлари орқали “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитларнинг фоиз ставкалари даражасига баҳо берамиз.

2-жадвал

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва инфляциянинг йиллик даражаси¹⁰ (фоизда)

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	14	13	13	12	12
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	12	10	9	9	14
Инфляциянинг йиллик даражаси	6,8	6,1	5,6	5,7	14,4

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик

⁹ Расм муаллиф томонидан www.agrobank.uz маълумотлари асосида тузилган.

¹⁰ Жадвал муаллиф томонидан www.agrobank.uz маълумотлари асосида тузилган.

субъектларига берилган микрокредитлар нисбатан паст ставкада берилаяпти. Масалан, 2017 йилда мазкур микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан 2 фоизли пунктга паст бўлган. Аммо 2017 йилда микрокредитларнинг фоиз ставкаси салбий бўлган, яъни инфляция даражасидан паст бўлган. Бу эса “Агробанк” АТБнинг микрокредитлаш амалиётига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Тижорат банклари кредитларининг баҳоси ҳар доим ижобий бўлиши, яъни инфляция даражасидан юқори бўлиши лозим. Шу сабабли тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида реал фоиз ставкаси қўлланилади. Реал фоиз ставкаси кредитнинг номинал фоиз ставкасидаги инфляциянинг ўсган қисмини ҳисобга олган ҳолдаги даражасидир.

Аҳоли тадбиркорлигини кредитлаш жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири кредит олувчи тадбиркорлик субъектининг кредит тўловига лаёқатлилиги ҳисобланади.

3-жадвал

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитлар таъминоти таркиби¹¹ (фоизда)

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Кўчмас мулк	8,1	6,7	6,6	7,4	8,7
Асбоб-ускуналар	2,5	3,1	4,3	3,4	3,1
Суғурта полиси	30,4	34,7	40,1	33,2	30,6
Кафолатлар	48,5	50,4	48,5	53,2	56,1
Бошқа таъминот турлари	10,5	5,1	0,5	2,8	1,5
Таъминотлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

3-жадвал маълумотларидан кўринадикки, “Агробанк” АТБ томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган микрокредитларнинг таъминоти таркибида кафолатлар ва суғурта полислари асосий ўрин эгаллайди. Ушбу суғурта полисларининг 90 фоиздан ортиқ қисми давлат суғурта компанияси бўлган “Ўзагросуғурта” АЖ компаниясининг суғурта полисларидир. Бунинг сабаби шундаки, давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва ғалла ҳосили учун бериладиган имтиёзли кредитлар “Ўзагросуғурта” АЖ компанияси томонидан суғурта қилинади.

3-жадвал маълумотларига кўра, “Агробанк” АТБ томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган микрокредитларнинг таъминоти таркибида асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса имтиёзли кредитлар миқдорининг кичик эканлиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашда юқори ликвидли гаров объектларининг мавжудлиги муҳим ўринга эга. Бунинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалиги ишлаб

¹¹ Жадвал муаллиф томонидан www.agrobank.uz маълумотлари асосида тузилган.

чиқарувчиларида пул оқимининг заифлиги уларни кредитлаш жараёнидаги кредит риси даражасининг юқори бўлишига сабаб бўлади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида пул оқимининг заифлиги иқтисодиётда тўловга лаёқатсизлик муаммоси мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларининг ўсиш суръати билан саноат маҳсулотларининг ўсиш суръатлари ўртасидаги номутаносиблик мавжудлиги каби сабаблар билан изоҳланади.

Таҳлил натижалари кўрсатдики, 2012-2017 йилларда “Агробанк” АТБ томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган микрокредитлар учун олинган таъминот миқдори ошиб борган. Бу эса мазкур давр мобайнида берилган микрокредитлар миқдори ошиб борганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 195-сонли қарори билан Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлаш тартиби тасдиқланди. Мазкур қарорда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар учун ҳисобланувчи фоизлар миқдори Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ҳажмида белгиланган.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали “Микрокредитбанк” АТБнинг имтиёзли микролизинг хизматида баҳо берамиз.

4-жадвал

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган имтиёзли микролизинг хизмати¹²

	Йиллар					2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши
	2013	2014	2015	2016	2017	
Микролизинг, млрд. сўм	45,2	30,6	22,9	16,8	5,4	11,9 %
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилган микролизинг, млрд. сўм	1,5	0,9	1,1	0,6	0,2	13,3 %
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилган микролизингнинг микролизинг хизмати умумий ҳажмидаги салмоғи, %	3,4	3,1	4,7	3,6	2,8	– 0,6 ф.п.

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2017 йилларда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микролизинг хизматлари

¹² Жадвал муаллиф томонидан “Микрокредитбанк” АТБнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

ҳажмининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бундан ташқари, мазкур хизматлар ҳажми 2017 йилда 2013 йилга нисбатан юқори даражада (88,1 %) камайган. Бу эса “Микрокредитбанк” АТБнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаолиятини ривожлантиришдаги роли пасайиб бораётганлигидан далолат беради. 2013-2017 йилларда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилган микролизинг хизматларининг жами микролизинг хизматлари ҳажмидаги салмоғи жуда кичик бўлган. Бу эса “Микрокредитбанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микролизинг хизмати кўрсатишга эътибор суи эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, тадқиқотнинг иккинчи бобида “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигига берилган микрокредитларга таъсир қилувчи банкка тегишли омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилди.

Эконометрик таҳлил учун маълумотлар “Агробанк” АТБ томонидан тақдим этилган. Таҳлил даври 2008 – 2017 йилларни ўз ичига олиб, статистик маълумотлар регионлар кесимида келтирилган, яъни панел маълумотлардир. Қуйидаги тасвирий статистикадан кузатиш мумкинки, статистик маълумотлар балансланмаган панелдир.

5-жадвал

Тасвирий статистика

Ўзгарувчи	Таърифи	Кузатув	Ўртача	Стд.Дев.	Мин.	Макс.
$dkre_{i,t}$	Микрокредитлар ўсиши	121	0.11	0.37	-1.53	2.25
$muammoli_{i,t}$	Микрокредитлар бўйича муаммоли кредитлар ҳажми	140	200.50	475.70	0.00	2677.88
$foiz_{i,t}$	Микрокредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси	140	0.12	0.02	0.00	0.16

5-жадвал маълумотларидан кўринадикки, таҳлил даврида “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигига ажратилган микрокредитларнинг ўртача ўсиши 11,5 фоизни ташкил этган. Таҳлил давридаги ўсиш қийматининг минимум ва максимум қийматидан кўриш мумкинки, ушбу кредитларнинг тебраниши бир хил бўлмаган, йиллар ҳамда регионлар ўртасида ўсиш даражаларида йирик фарқлар мавжуд бўлган. Бунинг исботини ушбу кўрсаткич стандарт девиациясининг 37,6 фоизга тенг бўлганлигидан ҳам кузатиш мумкин.

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигига берилган микрокредитлардан юзага келган муаммоли кредитлар таҳлилидан кузатиш мумкинки, унинг ўртачаси ва максимуми ўртасидаги фарқ 13 баробардан каттароқ бўлиб, минимум қиймати эса нолга тенглигини кўриш мумкин. Минимум қийматнинг нолга тенг бўлганлигининг асосий сабаби сифатида айрим йилларда Тошкент шаҳри учун микрокредитлар ажратилмаганлигини

келтириш мумкин. Натижада ушбу кўрсаткич стандарт девиацияси ҳам ўртачадан анча йирик миқдорда бўлганлигини кузатиш мумкин.

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигига берилган микрокредитлар бўйича фоизлар таҳлиliga кўра, таҳлил даврида ўртача фоиз ставкаси 12 фоизга, максимум қиймати 16,6 фоизга тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, фоиз ставкалари орасидаги фарқ йирик эмаслигидан унинг стандарт девиацияси 2,8 фоизга тенг бўлганини кузатиш мумкин.

Ўзгарувчиларнинг корреляция матрицаси қуйидаги жадвалда келтирилган бўлиб, унинг таҳлилидан кузатиш мумкинки, банк томонидан ажратилган микрокредитлардан юзага келган муаммоли кредитлар ва микрокредитлар ўсиш суръатлари ўртасида кучсиз бўлсада тескари боғлиқлик мавжуд. Шунингдек, микрокредитлар бўйича олинадиган фоиз ставкалари ва микрокредитлар ўсиш суръатлари ўртасида ҳам тескари боғлиқлик мавжудлигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари корреляция матрицаси таҳлилидан айтиш мумкинки, регрессияда мультиколлинеарлик муаммоси бўлмайди.

6-жадвал

Корреляция матрицаси

	$dkre_{i,t}$	$muammoli_{i,t}$	$foiz_{i,t}$
$dkre_{i,t}$	1.000		
$muammoli_{i,t}$	-0.114	1.000	
$foiz_{i,t}$	-0.306	-0.124	1.000

Панель кузатувларда даврлар сони узунлиги бирлик илдиз тестини амалга оширишни тақозо этади. Қуйидаги жадвалда панель бирлик илдиз тести натижалари келтирилган.

7-жадвал

Ўзгарувчиларнинг панель бирлик илдиз тести натижалари

Ўзгарувчилар	Тест статистик натижалар	П – қиймат
$dkre_{i,t}$	49.88	0.0067
$muammoli_{i,t}$	-7.68	0.0025
$foiz_{i,t}$	-8.02	0.0000

Ушбу тестда асосий гипотезага кўра, ўзгарувчилар бирлик илдизга эга бўлиб, муқобил гипотезага кўра эса ўзгарувчилар бирлик илдиз тестига эга эмас. Тест натижаларидан кузатиш мумкинки, барча ўзгарувчилар стационар бўлиб, ушбу натижа регрессия натижалари ишончлилигини оширади.

Эмпирик модель қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$kre_{i,t} - kre_{i,t-1} = \alpha * kre_{i,t-1} + \beta^j * X^j_{i,t} + \mu_i + \varepsilon_{i,t} \quad (1)$$

$$i = \{1, 2, \dots, 14\}; j = \{1, 2, 3, 4, 5\}; t = \{2008, 2009, \dots, 2016\}$$

Бунда:

$kre_{i,t}$ – i регионда “Агробанк” АТБ томонидан t даврда қишлоқ хўжалиги учун ажратилган микрокредит ҳажми логарифми;

$X_{i,t}$ – микрокредитлар ҳажмига таъсир этувчи ўзгарувчилар вектори;

μ_i – регионга тегишли кузатиб бўлмайдиган эффект;

$\varepsilon_{i,t}$ – хатолик.

Регрессия натижалари

